Эй Одам боласи, мадомики, сен Менга дуо қилиб, Мендан умидвор турар экансан, нима гуноҳ қилган бўлсангда, парво қилмасдан мағфират этаман

Анас ибн Молик разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Мен Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг шундай деганларини эшитдим: «Аллоҳ таоло деди: Эй Одам боласи, мадомики, сен Менга дуо қилиб, Мендан умидвор турар экансан, нима гуноҳ қилган бўлсангда, парво қилмасдан мағфират этаман. Эй Одам боласи, агар гуноҳинг булутларга қадар етса-да, Менга истиғфор айтсанг, сени мағфират этаман. Эй Одам боласи, агар сен ҳузуримга ер юзини қоплайдиган гуноҳлар билан келсанг ва Менга ҳеч нарсани шерик қилмаган ҳолда рўбарў бўлсанг, Мен сени ер юзини қоплайдиган мағфират билан қарши оламан!»

[Ҳасан] [Тирмизий ривояти]

Пайғамбар саллоллоҳу алайҳи ва саллам хабар бердиларки, Аллоҳ таоло ҳадиси қудсийда шундай деди: «Эй Одам боласи! Сен мендан дуо қилиб сўрар экансан, то-ки раҳматимдан умид узмасанг, гуноҳларингни кечираман ва уларни ўчириб ташлайман, улар катта гуноҳлардан бўлса ҳам, мен унга эътибор бермайман. Эй Одам боласи! Агар сенинг гуноҳларинг осмон билан ер орасини тўлдирадиган даражада кўп бўлиб, унинг кенгликларига етиб, ҳар тарафини қамраб олса ҳам, кейин сен мендан истиғфор сўрасанг, кўплигига қарамасдан барчасини кечираман ва ўчириб ташлайман. Эй Одам боласи! Агар сен менинг ҳузуримга ерни тўлдирганча гуноҳ ва осийлик билан келсанг-да, лекин, ширк қилмаган ҳолингда, яъни муваҳҳид бўлган ҳолингда келсанг, мен сени ерни тўлдирганича мағфират билан қарши оламан. Чунки Менинг мағфиратим кенг ва Мен ширкдан бошқа барча гуноҳларни кечираман».

http://sunnah.global/hadeeth/uz/show/5456